

**КАВРАК ЎСИМЛИГИДАН ОЛИНГАН ЯРИМЦЕЛЛЮЛОЗА, ҲАМДА  
ЮҚОРИ ТОЗАЛИҚДАГИ ЦЕЛЛЮЛОЗАЛАРНИ ТУРЛИ САНОАТ  
ТАРМОҚЛАРИ УЧУН ОРГАНИК МОДДАЛАР ВА УЛАР АСОСИДАГИ  
МАҲСУЛОТЛАР ОЛИШ ЖАРАЁНИГА ЙЎНАЛТИРИШ**

**Муродов Музаффар Муродович**

*т.ф.д., профессор – Тошкент инновацион кимёвий технология илмий тадқиқот институти директори; Email: tikititmm@gmail.com*

**Насуллаев Хикматулло Абдулазизович**

*т.ф.ф.д., - Тошкент инновацион кимёвий технология илмий тадқиқот институти мустақил тадқиқотчиси;*

**Ахраров Бобурхўжа Баходирович, Асадова Раъно Дилмуратовна, Абдураҳмонова Ирода  
Собир қизи, Рахманов Жаҳонгир Жалилович**

*Тошкент инновацион кимёвий технология илмий тадқиқот институти мустақил тадқиқотчиси;*

---

**A R T I C L E I N F O.**

---

**Калит сўзлар:** Тармоклари  
Учун Органик, Яrimцеллюл.

**Annotatsiya**

Маълумки, ҳозирги кунда Республикаизда фаннинг турли соҳалари ривожлантиришига аҳамият берилмоқда. Айниқса, етук кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон талаблари мезони асосида чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Чунки Республикаиз иктисадини янада ривожлантириш, турли саноат корхоналарида янгича давр талаби асосида сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун албатта малакали кадрларга бўлган талаб юқоридир

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2023 LWAB.

---

Маълумки кимё саноати ривожлангани сари етакчи ўринлардан бирини эгаллаб боради. Кимё саноатини ривожлантириш ҳамда унинг тармоқларидан мавжуд бўлган технологияларни янгисига алмаштириш ва улар асосида ишлаб-чиқаришни янгича технологиялар негизида бошқариш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Биргина цеплюзана ва унинг маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳаси бўйича бир қанча корхоналар ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Маълумки, юртимизда қоғоз ва қоғоз маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ниҳоятда катта. Қоғоз маҳсулотларига бўлган талабни қондирадиши мақсадида қоғоз ва қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш борасидаги янги технологияларни яратиш, тизимини янада кучайтириш зарурияти туғилди.

Қоғоз бу варақа ёки тасма (лента) кўринишидаги асосан цеплюзана толаларидан иборат зичлиги 250 г/м<sup>2</sup> га тенг материалdir.

Kielce: Laboratorium Wiedzy Artur Borcuch

Дунё бўйича қоғоз ишлаб чиқариш ҳалқ хўжалигининг йирик саноат туридан бири ҳисобланади. Ҳозирга келиб саноатда турли хоссага эга қоғозларнинг 1000 дан ортиқ хили ишлаб чиқарилмоқда. Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари юпқа, қалин, электр ўтказувчан, электрдан ҳимояловчи, сув ўтказмайдиган, нозик, мустахкам, дагал, бўғ, турли газ, ёғ-мой юқтирумайдиган бўлиши мумкин. Қоғоз зарур хоссаларни бериш учун қоғоз массасига минерал тўлдирувчилар, елимловчи ва бошқа моддалар қўшилади.

Қоғозга шакл бериш жараёни, қоғоз тайёрлаш машинасидаги тўр қисмига сув билан суюлтирилган толали қоғоз массасини узатиш орқали амалга оширилади. Қоғознинг асосий техник кўрсаткичлари: сиртқи зичлиги ( $4\text{-}240 \text{ г/м}^2$ ), қалинлиги (4-400 мкм), узилиш узунлиги (1200-3500 м), синишига қаршилиги (10000) ва елимланиш даражаси (0-3 мм), оқлиги (0-95%), кўплити (0-25%). Шунингдек, қоғознинг техник кўрсаткичларига шимиш хусусияти, хаво, бўғ ва мой ўтказувчанлиги, тешилишга қаршилик кўрсатиши, намлик ва бошқа кўрсаткичлар хам киради.

Толали компонентларнинг табиатни, таркиби, уларга бериладиган ишловтурига, тўлдирувчи ва елимловчиларнинг миқдорига қараб хил хоссага эга бўлган қоғоз олиш мумкин.

Қоғозни асосини ташкил этадиган целлюлоза толаларининг узунлиги диаметридан 100-1000 баробар ортиқ бўлади. Тола (хўжайра) ичидаги хаво ва намлик кира оладиган каналлар ва капилляр бўлади. Арча, қарағай, қайнин, теракдан олинган целлюлозанинг узунлиги ўртача 2.5-3 мм, зифир, пахта, каноп асосида олинган целлюлозалардан эса 20-25 мм, диаметри 25 мкм га тенг. Целлюлоза хужайраси қобиғининг жуда мураккаб бўлиб, фибрillяр тузилишига эга. Фибрillяр ўртасидаги оралиқда гемицеллюза ва лигнин моддалари бўлади уларнинг миқдори хужайра деворрининг ички қатламидан ташки қатлами томон кўрашиб боради. Целлюзоланинг макромолекулалари орасидаги бўшлиқ асосан лигнин билан тўлган. Ҳар хил турдаги дарахтларнинг абсолют қуруқ ёғочида целлюлоза миқдори 60% гача, гемицеллюлоза 20% ва лигнинг тахминан 30% ни ташкил қилади. Бундан ташқари, уларнинг таркибида маълум миқдорда минерал тузлар ва 3% гача (қарағайдага) смолосимон моддалар хам бўлади.

Ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида, техникада, кундалик хаётда толали материаллар кўп ишлатилади: бу табиий ва сунъий толалар-пахта, жут, зифир, капрон, лавсан, азбест ва хоказо.

Эгилувчанлик асосан органик толаларга, майдаланиш ёки фибрillярга бўлиниш эса факат ўсимлик толаларига хосдир. Тоза целлюлоза толаси ўзининг оқлиги, эглувчанлиги, пишиқлиги ва эластиклиги билан ажralиб туради. Бу эса қоғоз олишда ўсимлик толаларининг афзаллигини таъминловчи омил ҳисобланади.

Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ўзининг сифат кўрсаткичлари бўйича технологик тежамлик хамда исътемолга талабларига жавоб бера олиши керак. Ишлаб чиқаришда олинган массаси енгил, яъни юпқа, етарли даражада мустахкам қоғоз варағи, зичлиги юқори бўлган қоғоз маҳсулотларига қараганда текис ва мустахкам юзасига эга бўлади.

Юқори сифат кўрсаткичларга эга қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ҳамда янги илмий ўзгаришлар асосида яратилган инновацион технологияларни саноат миқёсида ишлаб чиқаришга жорий этиш, Республикаизда қоғоз маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тамиллашга ёрдам беради.

Қоғоз ишлаб чиқариш жараёни қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- қоғоз массасини тайёрлаш, турли компонентлар билан аралаштириш, елимлаш, тўлдирувчилар қўшиш.
- массани қоғоз қўйиш машинасининг дастлабки ҳамда сўнгги босқичларида ўзлаштириш, яъни сувли аралашма тайёрлаш, турли ифлослардан тозалаш, массани қўйиш, пресслаш, куритиш ва бирламчи ишлов бериш.

- якуний ишлов бериш, яъни каландрда яхши силлиқлаш ва талаб қилинган форматларда кесиши.
- саралаш ва қадоқлаш.

Керакли тола узунлигига эришиш физик хусусиятларга эга қофоз олиш қофоз массасини янчиш босқичига бевосита боғлиқ. Янчиш жараёни узлукли ва узлуксиз ишлайдиган конуссимон ҳамда дискли тегирмонларда, «ролл», рафинер каби янчиш аппаратида амалга оширилади.

Қофозга равон ёзишга мўлжалланган хусусиятни бериш ва унинг гидрофобли ҳоссасини яхшилаш мақсадида қофоз массасига – канифол елими, парафин эмульсияси, қум тупроқ каби моддалар қўшилади.

Қофоз массаси таркибидаги толаларнинг бир-бири билан узвий бирикиши ҳамда механик мустаҳкамлигини ошириш мақсадида унинг крахмал, хайвон елими, нам ҳолидаги қоғознинг мустаҳкамлигини ошириш учун эса сийдик ҳамда меломин-формальдегидли смолалар қўшилади. Қоғознинг оқлик даражасини, силлиқлик ва юмшоқлик хусусиятини ҳамда ундан нусха олиш жараёнини тўлиқ ва ҳеч қандай камчиликларсиз амалга оширишни таъминлаш мақсадида масса таркибига турли минерал тўлдирувчилар (каолин, мел, тальк), анилин таркибли буёвчи компонентлар қўшиш мақсадга мувофиқдир.

Сув шимувчи ва электроизоляция учун ишлатиладиган қофоз турлари елимловчи ҳамда тўлдирувчиларсиз ишлаб чиқарилади. Каноп ва буғдой сомони целялюзасининг оқлик даражаси, дараҳт целялюзасиникига қараганда юқорироқ ҳисобланади. Бу эса улар асосида қофоз ишлаб чиқариш жараёнида кимёвий оқартирувчи реагентлар сарфини анча камайтиради.

Қофоз ишлаб чиқариш учун 2,5-3,5% ли тайёр қофоз массаси насослар ёрдамида масса тайёрлаш бўлимидан, аралаштириш ҳовизига қўйилади. Бу ерда 0,1-0,7% ли айланма сувли масса билан аралаштирилиб, қофоз қўйиш машинасига узатилади. Машина турли стол, пресс, қуритиш қисмлари ҳамда каландр бўлимидан таркиб топган бўлади. Қофоз массаси узлуксиз тарзда қофоз қўйиш машинасининг турли стол қисмидан ўтиб, қисман сувсизланади. Колган сувсизлантириш ва унга мустаҳкамлик бериш аппарат пресс қисмida амалга оширилади. Сўнгра қофоз таркибидаги маълум миқдордаги намлик қуритиш бўлимида қуритилади. Қуритилган дағал, фижим ҳолидаги қофоз полотноси каландр валлари орасидан ўтиб силлиқланади ва қофозга юқори даражадаги мустаҳкамлик беради. Каландрдан ўтган қофоз полотноси тамбурларга ўралади.

Қофоз ишлаб чиқариш саноатида сув кўп ишлатилади мисол учун 1 тонна қофоз ишлаб чиқаришга  $150 \text{ m}^3$  тоза сув сарфланарди. Ноёб ва бошқа турдаги қофоз турлари борки, уларнинг ишлаб чиқарилишига  $4000 \text{ m}^3/\text{т}$  тоза сув талаб этиларди. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб «ёпиқ система» ишлаб чиқаришга тадбиқ этилди. Бу сув сарфини бир неча ун баробар қисқаришига  $<10 \text{ m}^3/\text{т}$  олиб келди. Ҳаттоқи, дисперс мұхитда сув ишлатмай туриб ҳаво ёрдамида қуруқ усулда қофоз ишлаб чиқариш мүмкін бўлди.

Хар бир саноатнинг истиқболини унда ишлатиладиган замонавий машина ва аппаратларсиз таъсаввур этиш қийин. Қофоз ишлаб чиқариш саноатининг ҳам истиқболи яратилган ва яратилаётган, илғор технология асосида ишлайдиган аппаратларга сузсиз боғлиқ.

Маълумки, қоғознинг физик-механик ҳоссалари, қофоз ишлаб чиқариш технологияси толали ҳом ашёнинг сифат кўрсаткичлари ҳамда унинг турига боғлиқ. Толали ҳомашё асосан ўсимликлардан, яъни баргли, игнабаргли дараҳт турларидан, шунингдек бир йиллик ўсимликларнинг танаси ва илдиз пояларидан механик ва кимёвий қайта ишлаш натижасида олинади. Уларнинг кимёвий тузилиши, толаларнинг морфологик шаклланиши жуда кўплаб адабиётларда тўлиқ ёритилган. Шу сабабли ҳам унга тўхталиб ўтирмаймиз.

Ўсимлик толаларнинг асосий қисми табиий полимер, яъни целялюзоза ҳисобланади. Целялюзоза

асосида олинган қоғоз турлари ўзига хос юқори сифат кўрсаткичларга эга целялюзаси асосида олинадиган қоғоз толалари ўзаро боғловчилик сиз мустаҳкам бое ҳосил қилиши натижасида, юқори мустаҳкамликка эга бўлиши билан характерланади. Целялюзаси юқори молекуляр массага эга, сувда яхши бўкади. Турли кимёвий реагентлар ҳамда юқори температурага бардош бера олади.

Янчиш жараёни қоғоз ишлаб чиқариш саноатининг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Бу жараёни қоғознинг сифат кўрсаткичларига ҳамда унинг физик-механик ҳусусиятларини яхшиланишида муҳим омил ҳисобланади. Янчиш жараёнида ўтмаган тола асосида олинган қоғознинг деярли барча кўрсаткичлари сифат талабига жавоб бермайди. Жумладан, қоғоз ташқи кўринишенинг бир хилда эмаслиги, катта ғовак қатламларнинг мавжудлиги, зич эмаслиги толаларнинг бетартиб жойлашиши натижасида қоғоз юзасида титилган қатламнинг ҳосил бўлиши бунга мисол бўлади. Бундан ташқари, у қоғоз қўйиш жараёнида қалин ҳамда узун-дағал толаларни машина турида чўқмага тушиб, хар хил тарқалиши натижасида қўйилаётган қоғоз структурасини бузилишига сабаб бўлади. Янчилмаган толанинг юза қисми дағал, сув ўтказишга мойиллиги юқори ҳамда бир-бири билан чокланиши, яъни бирикиш паст даражада бўлади. Қоғоз массасини янчишдан мақсад юқоридаги камчиликларни бартараф этиш, яъни:

- толанинг аниқ структурасини таъминлаб берадиган эни ва бўйи ўлчамларининг бир-бирига мос тушиши;
- фракцион жамланма таъминлаб берадиган, яъни талаб этилган зичликка эга булган қоғоз ишлаб чиқариш;
- гидратация даражасини юзага келтириш натижасида сув молекулалари тола структурасида жойлашиб, уларни водород боғлар орқали чокланишини таъминлаш;
- толага силлиқлик бериш, механик чидамлилигини ошириш, турли кимёвий тўлдирувчилар билан бирикишини таъминлаш;
- сув шиммаслик, ҳаво ўтказмаслик, қоғознинг тиниқлигини таъминлаб бериш.

Қоғоз массасини янчиш жараёни турли хилдаги машина ва аппаратларда амалга оширилади. Бу жиҳозлар узлукли ва узлуксиз «ролл», дискли ҳамда конуссимон тегирмонда, рафинердан иборат. Бу аппаратлардан ўтаётган қоғоз массаси 2-8% ли сув бўлади. Янчиш жараёни қайси турдаги жиҳозда амалга оширилмасин, уларнинг ишлаш даражаси бир хил боради. Толали суспензия узлуксиз равишда жиҳознинг ички қисмida жойлашган янчиш пичноқларидан ўтади. Янчиш пичноқлари дискли ёки конуссимон тегирмонларда қўзғалувчан ва конус корпусида маҳкамланган ҳолда жойлашган бўлади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда тадқиқотнинг давомида каврак целялюзаси ҳамда турли маҳаллий обьект целялюзалари асосида композит қоғоз намуналари олинди.

Куйида Каврак ярим целялюзаси билан сомон ҳамда пахта целялюзалари асосидаги композит қоғоз намуналарининг айрим сифат кўрсаткичларини ГОСТ 7247-2006 талаблари билан солишишим жадвали келтирилган.

**5 - Жадвал Қаврак ярим целлюлозаси билан сомон ҳамда пахта целлюлозалари асосидаги композит қоғоз намуналарининг айрим сифат кўрсаткичларини ГОСТ 7247-2006 талаблари билан солиштирма жадвали**

Кўрсаткичлар	Қоғоз маркалари учун қиймат				Аниқлаш усуллари
	1- намуна	ГОСТ 7247- 2006	2- намуна	ГОСТ 7247- 2006	
1. Қоғоз майдонининг оғирлиги $1\text{ m}^2$ , г	$195 \pm 8$	$180 \pm 5$	$90 \pm 5$	$80 \pm 3$	ГОСТ 13199 бўйича
2. Қалинлиги мкм	-	-	$115 \pm 5$	$110 \pm 5$	ГОСТ 27015, 9.4 хақиқий стандарт
3. Зичлиги, $\text{г}/\text{см}^3$ , кам эмас	0,74	0,80	-	-	ГОСТ 27015 бўйича
4. Кўндаланг йўналишда синдириш кучи, Н, кам эмас	82	75	45	40	ГОСТ ИСО 1924-1 бўйича
5. 6 дақиқа давомида сув билан ишлов берилганда хўл холатда кўндаланг йўналишда синдириш кучи, Н, кам эмас	-	-	-	-	ГОСТ 13525.7 бўйича
6. Кўндаланг йўналишда нисбий чўзилиш, %, кам эмас	2,3	2,0	3,1	2,8	ГОСТ ИСО 1924-1
7. Юқори қисмидаги оқлик даражаси, %, кам эмас	85	80	82	80	ГОСТ 30113 бўйича
8. Қоғозни майдон билан бир томон намлашда сувнинг сирт ютувчанилиги $1\text{ m}^2$ , г, Кобб <sub>60</sub> , кам эмас	24	25	25	25	ГОСТ 12605 бўйича
9. юқори қисмининг силлиқлиги, с, кам эмас	18	20	21	20	ГОСТ 12795 бўйича
10. Намлик, %	5 - 8				ГОСТ 13525 19 бўйича

Жадвалдан кузатиш мумкинки композит обьектлар асосида олинган қоғоз намуналари ГОСТ 7247-2006 да келтирилган талабларга мос тушиши мълум бўлди. Шу тариқа функционал озиқовқат маҳсулотлари учун каврак целлюлозаси ҳамда турли маҳаллий обьект целлюлозаларининг композит аралашмаларидан қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари олинди. Уларнинг сифат кўрсаткичлари аниқланди.

**4.2. Қаврак целлюлозаси асосида озиқ овқат саноати учун эмулгатор сифатида ишлатилинадиган унинг оддий эфири кроскармелоза (E468) олиш, олиш ва унинг сифат кўрсаткичлари устида физик кимёвий тахлил усуллари тадқиқи.**

Узоқ вақт давомида E-468 озиқ – овқат қўшимчасининг холати кўплаб тадқиқотлар, мунозаралар ва илмий доиралардаги келишмовчиликлар туфайли аниқланмаган. 2016йил июл оида тасдиқланган ГОСТ 33782-2016 (хужжат 03.01.2017 йилдан кучга кирди) синтетик моддани стабилизатор сифатида таснифлади. E468 қўшимчаси целлюлоза гликоли кислотанин натрийли тузидир. Бу кўп босқичли кимёвий реакциянинг натижасидир.

Биринчи табии пахта камроқ тез тез дараҳт целлюлозаси билан ўювчи ишқор ёрдамид ишлов берилад. Олинган ишқорий целлюлозага (карбоксиланган) карбонат ангидрид хлорасетик кислота иштирокида қўшилади. Якунийбосқичларда модда толаларнинг қисман ўаро


боғланишига қадар оксидланади, тозаланади ва қуритилади.

**Каврак целлюлозаси билан пахта целлюлозаси композити таркиби аосида олинган  
Кроскармелозани (карбоксиметилцеллюлоза) сифат кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлари	Стандарт қийматлари
ранги	оқ
Таркиби	карбоксиметилцеллюлоза, аралашмалар, ош тузи, натрий гликолят, алмашинилмаган целлюлоза, эмперик формуласи: $(C_8H_{11}O_8Na)_n \cdot x H_2O$
Ташқи кўриниши	Кукун кўринишда
Хиди	хидсиз
Эрувчанлиги	98,4%
Этоксил гурӯхларининг таркиби	совук сувда қисман эриши билан шишиди. Органик эритмаларда эrimайди
Таъми	таъмсиз
Зичлиги	аниқланмаган
Бошқа кўрсаткичлари	юқори гидрофиллик, 1гр маҳсулот тахминан 200мл сувни ўзлаштиради, pH 5-7 (1000мл сув учун 1гр)

**4.3. Каврак целлюлозаси асосида олинган органик композицион материалларнинг  
тадқики, физик-кимёвий ҳамда механик-структуравий хоссалри.**


Қуйида каврак яримцеллюлозаси ва сомон целлюлозасининг композит қофози ИК-спектри келтирилан.



**Расм – 8. Каврак яримцеллюлозаси ва сомон целлюлозасининг композит қофози ИК-спектри**

1600 дан 600 ва 400 қийматдаги ИК-спекттори чўққиларини пикларидан шуни кузатиш мумкинки, маҳхалий хом ашёлар асосидаги ҳамда каврак целлюлозаларининг композит толали

хом ашёларни айта ишланиши, истиқболда ундан қоғоз қоғоз маҳсулотлани олишга имкон беради.



**Расм – 9. Каврак яримцеллюзасининг ИК-спектри**


ИК-спекторларнинг чўққилари, яъни 2800, 3400 ҳамда 1200 ва 800 ва 600 спектор чўққиллари, делегнефикация жараёни сўнгидаги ажralиб чиққадиган яримцеллюзасининг таркиби қисми, яъни лигнин асосли минерал брикмалар, ҳамда гидроксил гурухларини намоён бўлишини кузатиш мумкин.

**4.4. Маҳаллий хомашё “Асафетида- каврак (*ferula foetida, ferula tadshikorum*)” ўсимлигидан турли саноат тармоқлари учун органик моддалар ва улар асосидаги маҳсулотлар олишнинг яратилган инновацион технологияси – принципиал технологик схемаси.**

Куйида маҳаллий хомашё “Асафетида- каврак (*ferula foetida, ferula tadshikorum*)” ўсимлигидан турли саноат тармоқлари учун органик моддалар ва улар асосидаги маҳсулотлар олишнинг яратилган инновацион технологиясини принципиал схемаси келтирилган бўлиб, саноат миқёсида ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

Технологик принципиал схемадан кузатиш мумкинки, дастлаб каврак поялари(1) маҳсус тегирмонларда(2) пайрахаларга ажратиб олинади. Нитрат кислотани аввалдан тайёрлаб қўйилган эриттмасидан (3) каврак айрахаси солинган сифим-басейнга (4) қўйилади ва гиролиз жараёнлари амалга оширилади.

**Маҳаллий хомашё “Асафетида- каврак (*ferula foetida, ferula tadshikorum*)” ўсимлигидан турли саноат тармоқлари учун органик моддалар ва улар асосидаги маҳсулотлар олишнинг яратилган инновацион технологиясини принципиал схемаси**



**10-Расм:** 1-каврак поялари, 2-майдалаш тегирмони, 3- $\text{HNO}_3$  сақлагувчи сиғм, 4-маҳсус гидролиз сиғими, 5-РОЛЛ-янчиш тегирмони, 6-гидротитгич, 7-қоғоз қуиши машинаси, 8-пишириш козони, 9- $\text{NaOH}$  эритмасини сақлагувчи сиғим, 10-центрефуга, 11-ишқор қуйқасини еғгувчи схематик мослама жамланмаси, 12-моноаппарат, 13-етилтириш сиғими, 14-қуритиши камераси, 15-циклон еғгич, 16-тегирмон, 17-тайёр маҳсулот омборхонаси.

Кислотали гидролиз жараёни нихоясига етгач пайраха нейтралланади ва РОЛЛ янчиш агрегатига (5) ўтказилади. Бу ерда маълум ишқор концентрацияси, харорат таъсирида длегнификация жраёни амалга оширилади. Каврак пайрахаларидан ажратиб олинган яримцеллюлоза ГИДРОТИТГИЧда (6) катта алйланма куч таъсирида сувли янчб титиб олинади ва функционал озиқ-овқатлар учун қадоқ қоҳоз палотнноси олиш жараёнига ўтказилади(7).

Яримцеллюлозадан кимёвий қайта ишлаш учун яроқли целлюлоза олиш жараёнига ўтказилади. Қайнатиш козонига (8) юкланди ва 20г/л ишқор эритмасида 2 атм босим остида 6 соат вақт давомида пишириш жараёни амалга оширилади. Хосил бўлган целлюлоза нейтраланиб центрефугалар (11) ёрдамид сиқиб олинади ва КРОСКАРМЕЛОЗА олиш жараёнига йўналтирилади. Моноаппаратда (12) ва етилтириш сиғимларида (13) жарраён давом этади. Хосил бўлган маҳулот қуритилиб (14) циклон(15) орқали тегирмонларда (16) кукун холатига келтирилади – омбохоналарга(17) жойлаштирилади.